

# INDIAN

INTERNATIONAL SCIENTIFIC  
ONLINE CONFERENCE



THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC  
RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY

2022 YEAR

INDIAN, NEW DELHI



# **THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY**

International scientific-online conference

Part 4

December 21<sup>st</sup>

COLLECTIONS OF SCIENTIFIC WORKS

NEW DELHI 2022



**THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY:** a collection scientific works of the International scientific online conference (21<sup>st</sup> December , 2022) -INDIA, New Delhi : "CESS", 2022. Part 4 - 153p.

Chief editor:

**Candra zonyfar** - PhD Universitas Buana Perjuangan Karawang, Indonesia  
Sunmoon University, South Korea.

Editorial board:

**Martha Merrill** - PhD Kent State University, USA  
**David Pearce** - ScD Washington, D.C., USA  
**Emma Sabzalieva** - PhD Toronto, Canada

**Languages of publication:** русский, india, english, казакша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերեն....

The collection consists of scientific research of scientists, graduate students and students who took part in the International Scientific online conference

" **THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY**". Which took place in New Delhi on December 21, 2022.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees. The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

© "CESS", 2022  
© Authors, 2022

TABLE OF CONTENTS:	
Fayzullayeva Gulmira Baxodir qizi Hayitova Gulxayo Rajabovna ECTOPIC PREGNANCY AND OVARIAN APOPLEXY	7
<b>Тўхтаев Алибек Шарафитдин ўгли</b> <b>ТЎҒРИР ЭЪТИҚОД - РУХОНӢӢ КОМИСИИК ГАРОВӢ</b>	10
Xasanova Dilobarxon SOTSIALOGIYA FANINING ASOSIY FUNKSIYALARI	14
Yalg'ashev Farrux Quvondiq o'g'li Muhibbinov Madumar Abdurahmon o'g'li Haydarov Azizzon Ayubxon o'g'li SURUNKALI GASTRIT VA UNING ETIOLOGIYASI, PATOGENEZI KLINIKASI, TEKSHIRISH, DAVOLASH, PROFILAKTIKASI VA TURLARI	17
<b>Сабиров Немат Казакбаевич</b> <b>Исмаилова Гулжон Абдурашидовна</b> «ДОМ» КАК ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ КОНЦЕПТ И СПОСОБЫ ЕГО ВЫЯВЛЕНИЯ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ РУССКИХ ПРОЗАИКОВ	23
<b>Сабиров Немат Казакбаевич</b> <b>Махмуджонова Мухлиса Абдубаниб кизи</b> ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗНОЙ СТРУКТУРЫ В ПОЭТИКЕ СОВРЕМЕННОГО РОМАНА	27
Fayzullayeva Shahlo Alisherovna МАТЕМАТИКА ФАННИ О'QITISHDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	33
Turg'anbayeva Indira Janabayevna INSON HUQUQLARINI HIMOYA QILUVCHI DAVLAT MUASSASALARI HUQUQIY MAQOMI	36
Тохтанизарова Мохина Фарходжон кизи Алижанова Дилрабо Солижон кизи Номиджонова Нодира Набижон кизи Бабаева Гулбахор Абдурасуловна ЛЕКАРСТВЕННЫЕ СРЕДСТВА, ПРИМЕНЯЕМЫЕ В ЛЕЧЕНИИ НЕОТЛОЖНЫХ СОСТОЯНИЙ НА ДОГОСПИТАЛЬНОМ ЭТАПЕ	39
Jo'ravayeva Laylo Jiyanqulovna TIL MILLAT VA MADANIYAT MUNOSABATI	45
Xaydarov Baxrom Xolmuradovich Dehqonova E'zoza Abdurahmon qizi EKSPORTINI RIVOJLANTIRISHDA TADBIRKORLIK MADANIYATINING AHAMIYATI	50
Umrzokova Shokhzoda Akhrorjon kizi PROSPECTS OF TRAINING QUALIFIED SPECIALISTS IN THE FIELD OF TRANSPORT	55
Тимур Жаббарбергенов Рустемович Timur Zhabbarbergenov Rustemovich KARAKALPAKSTAN YOUTH IN THE ETHNO-CULTURAL SPACE	58
Кудратова Азиза Исматиллаевна ФУНКЦИОНАЛ САВОДХОНЛИКНИШ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ТОПШИРИКЛАРГА ҚҮЙІЛДАДЫГАН ТАЛАБЛАР	60

## ФУНКЦИОНАЛ САВОДХОНЛИКНИ ШАКЛАНТИРУВЧИ ТОПШИРИҚЛАРГА ҚҮЙЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Кудратова Азиза Исматиллаевна  
Самарқанд ВПЯМҮММ катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада, бугунги кунда умумтаълим мактаб ўқувчиларида функционал саводхонликни шакллантириши мақсадида математик саводхонлик йўналишида тузитиши лозим бўлган топшириқлар ҳамда уларга қўйладиган талаблар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** таълим сифати, функционал саводхонлик, PISA ҳалқаро баҳолаш тадқиқоти, тест ва унинг турлари, муаммоли таълим, функционал саводхонлик топшириқлари.

**Аннотация:** В статье рассмотрены требования к разработке задач на формирования функциональной грамотности у учащихся общеобразовательных школ. Задания даны на примере математической грамотности.

**Ключевые слова:** качество образования, функциональная грамотность, международная программа по оценке образовательных достижений учащихся PISA, тесты, проблемный подход в образовании, задания на функциональную грамотность.

**Annotation:** The article considers the requirements for the development of tasks for the formation of functional literacy among students of secondary schools. Tasks are given on the example of mathematical literacy.

**Keywords:** quality of education, functional literacy, international program for assessing the educational achievements of students PISA, tests, problem-based approach to education, tasks for functional literacy.

Функционал саводхонликни шакллантириш ва баҳолаш учун тест топшириклари методик базасини шакллантириш босқичларидан бири тузиладиган тест топширикларининг талабларини ишлаб чиқиши.

Талаблар шу даврнинг ривожланиш босқичида ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган ҳаётий кўнгилмаларга боғлиқ равишда, тестология мезонларини инобатта олиб ишлаб чиқилади.

Бутунги кунда баҳолашнинг хамма турларида тестлардан фойдаланилади. Тест сўзи инглиз тилидан олингуб, "синов" деган маънони англатади. Илк бор Ж.Фишер 1864 йилда талабаларнинг билим даражасини текшириши мақсадида тестлардан фойдаланган. Кейинчалик талабаларнинг аклий (интеллектуал) ривожланиш даражасини аниқлаш ҳамда уларнинг ўқиши қобилиятларини ва билимларини баҳолашга мўлжалланган педагогик тестларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиши соҳалари ривожланган.

Тест бир ёки бир нечта тест топширикларидан иборат бўлади. Тест топширувчиларидан қандай харакатни амалга ошириш талаб килинаётганига караб тест топшириклари икки гурухга бўлинади: ёник тест топшириги ва очик тест топшириги.


Ёник тест топшириклари тест топширувчидан берилган жавоб варианtlари ичидан тўғрисини танлашни талаб киладиган топшириклар бўлиб, куйидаги турларга бўлинади:

- муқобил жавобли тестлар;
- "тўғри-нотўғри" шаклидаги тестлар;
- мосини топишга доир тестлар;
- кетма-кетликни топишга доир тестлар.

Очиқ тест топшириклари тест топширувчидан жавобни ўзи яратиши (ёзиши, оғзаки жавоб бериши, ижро этиши, бажариб кўрсатиши) талаб киладиган топшириклар бўлиб, куйидаги турларга бўлинади:

- киска жавобни талаб киладиган тест топшириги;
- кенгайтирилган жавобни талаб киладиган тест топшириги;
- амалий тест топшириги (топширувчидан амалий иш бажариш, муносабат билдиришини талаб этадиган тест топшириги).


Баҳолашнинг максадидан келиб чиқиб, турли тестларни кўллаш мумкин (1-расм).



*1-расм. Тест топшириқтарининг тузилишига кўра турлари.*

Тест топшириғини тузишдан олдин ўқитувчи ўқувчида қандай ҳаётий кўникма шаклланганлигини баҳоламоқчи эканлигини аниқлаштириб олиши керак. Мақсадениз тузилган тест топшириғи кузланган натижани бермайди.

Ўқувчиларда математик (функционал) саводхонликни шакллантиришга доир топшириклар тузисида ўқитувчи қўйдагиларга эътибор қаратиш лозим:



*2-расм. Математик саводхонликни шакллантиришга доир топшириқлар тузисида эътибор қаратилиши лозим бўлган босқичлар.*

1. Ўқувчида қандай ҳаётий кўникмани баҳоланиши ёки шаклланниши кераклигини аниқ билиши ўқитувчида мақсадли топширик тузиш имконини беради.

Математик мулоҳаза юритиш хоҳ у дедуктив, хоҳ у индуктив бўлсин, мактабдаги математика фанининг асосини ташкил этадиган айрим таянч тушунчалар билан боғлик. Бундай таянч тушунчалар таркибига қўйидагилар киради:

- миндор, саноқ системалари ва уларнинг алгебраник хоссаларини тушуниш;
- абстракция ва тимсоллар ёрдамида ифодалашнинг мухимлигиннангаш;
- математик структуралар ва улардаги қонуниятларни кўриш;
- миндорлар орасидаги функционал боғланишларни таниш;
- математик моделлаштиришни реал оламнинг турли (масалан, физик, биологик, ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар фанлардаги) ҳодисаларни тадқиқ қилиши воситаси сифатида қўллаш;
- статистика асосида ўзгарувчанлик ётишини англаш.

Үйкүвчида функционал саводхонлики шакллантириш (баҳолаш)га доир тест топширигини түзүш учун 2.4-расмни таҳлил қылайлик. Тест натижаларини таҳлил килиш усулига күра тест топшириклари нормага мулжалланган, мезонга мулжалланган ва ипсатив тестлар бўлиши мумкин. Тест натижаларининг қўлланиши усулига кўра муваффакият тестлари, эгаллаш тестлар ва прогностик тестларни қўллаш мумкин. Функционал саводхонлик инсоннинг ҳаёти давомида доимий равишда оладиган билим, кўникма ва малакаларини кент қамровли ҳаётий масалалар ечимини топишида ва ўз фаолиятининг турли соҳаларида дуч келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатларда қўллай олиш даражаси сифатида қаралғанлиги учун камраб олган фан соҳасига кўра кўпроқ гетероген тестлардан фойдаланиши мақсадга мувофик. Шу холосага таяниб, киритилган тест топшириклари турига кўра асосан эътиборни полиморф тестларга қаратиш лозим. Топшириқ сценарийсига кўра чизикли тестларни танлаш керак.

Ўйкүвчи мавзу юзасидан билим берар экан, "Нима учун?" деган саволга ҳам жавоб берниши керак. "Бу билимлар ўйкүвчига керакми?", "Керак бўлса, улардан қайси вазиятларда фойдалана олади?". Топшириклар тузаттандан ҳам нима максадда уларни ўйкүвчига тақдим этаётганини аниқ билиши лозим. Мақсад: "Ўйкүвчининг фундаментал билимларга эгалигини баҳолашми?" ёки "Функционал саводхонлиги шаклланганлигини баҳолашми?".

*Топшириқ түзишида ўйкүвчи ёшига мос ва у ҳаётида дуч келадиган вазиятлардан фойдаланиши лозим.* Бунда ўйкүвчининг тажрибалари ва олдинги билимларига асосланиб, ўзи учун қизиқ бўлган муаммонинг ечимини топишига мотивация шаклланади.

PISA ҳалкаро баҳолаш дастурида математик саводхонлик тест топшириклари математика ўқитвилишининг мазмун соҳасига кўра микдорлар, фазо ва шакллар, узгаришлар ва муносабатлар ҳамда маълумотлар ва ноаникликларга доир тузилади.

Умумтаълим мактаблари учун ишлаб чиқилган ва 2021–2024-ўкув йилларида амалиётта татбиқ этилиши режалаштирилган математика фанининг миллий ўкув дастурида математик саводхонлик компетенциялари сонлар ва амаллар, алгебра ва функциялар, геометрия ва ўлчашлар, статистика ва эҳтимоллик ҳамда математик анализ асослари соҳаларига бўлинган.

Шунга кўра синфлар кесимида ишлаб чиқиладиган тест топшириклари дастур мавзуларига мос келиши ҳамда ўйкүвчиларда ҳаётларида дуч келишлари мумкин бўлган вазиятларда маълум математик фактлар ва мантикий конунлар асосида хулоса келтириб чиқара олиш, рост ва ёлғон мулоҳазаларни фарқлаш, зарур холларда хисоблаш воситаларини қўллаш, муаммонинг ечимини топиш режасини тузу олиш, тузилган режа асосида ишлаш ва ўз фаолиятини тўғрилай олиш ҳамда ушбу жараёнда ўзида ижобий ҳиссиятларни пайдо килиш билан боғлиқ когнитив компетенцияларини шакллантириши лозим.

## 2. Масала эмас муаммоли вазият яратши.

Ўз даврининг буюк шахси Абу Али ибн Сино таълим жараёни ҳакида шундай деган: – Ҳар бир кишини унинг борлиги ва қобилиятига кўра ўқитиши керак, акс холда таълим–тарбия кўзлаган натижани бермайди. Эътироф этиш лозим алломанинг X асрда билдирган фикрлари бугунги кунда хам ўз долзарблигини саклаб колмоқда. Зеро таълимнинг ўқитувчидан ўқувчига бир хил берилishi ҳамда топширикни бажарини кераклигини қайта–қайта таъкидланиши ўқувчиларда яратиш, тадқиқотлар ўтказиши, таҳлиллар асосида хуносалар чиқариши кўникмаларини эмас, бажарувчи кўникмасини шакллантиради.

Жамиятда функционал саводхонликни шакллантиришнинг муҳим асоси сифатида таълим технологиялари, яъни муаммоли таълим, интерфаол таълим, ҳамкорликдаги таълим, тадқиқотчилик таълим, модулли таълим ва бошқа таълим технологияларининг таълим жараёнида кенг татбиқ этилишини карашимиз мумкин.

Таълимнинг муаммоли шаклда ташкил этилиши ўқувчи фаолиятини мустакил изланиши, муаммоларни аниқлаш, татбиқ этиш ва уларни ечиш қобилиятини шакллантиришга каратади. Ўқитувчи муаммоли вазиятнинг ечимини тайёр холда бермайди, у таълим мазмуни билан боғлиқ муаммоли вазият яратади ўқувчи эса муаммони ҳал этиш йўллари ва воситаларини қидиради, кузатиш ва ўлчаш ишларини амалга оширади, моделини ишлаб чиқади, муроҳаза юритиб, муаммонинг ечимига ижодий ёндашади.

Муаммоли таълимнинг асоси муаммо ҳисобланади. Муаммо юононча «probet» сўзидан олинган бўлиб, вазифа, топшириқ маъносини англатади. Таъёр жавобга эга бўлмаган, ўрганиш, тадқиқ этишини, ечимини топишни талаб қиладиган назарий ёки амалий масала муаммо ҳисобланади.

Муаммоли таълимнинг бош мақсади – ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзуга доир муаммоларни тўлиқ тушуниб этишига эришиш ва уларни ҳал эта олишга ўргатишдан иборат.

Муаммоли таълимни амалиётда кўллашда асосий масалалардан бири ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ муаммоли вазият яратиш.

Муаммоли вазият яратиш усуллари:

- ўқитувчи ўқувчиларга дарс мавзуси билан боғлиқ зиддиятли ҳолатни тушунтиради ва уни ечиш йўлини топишни таклиф қилади;
- бир масалага доир турли нуктаи–назарларни баён қилади;
- муаммони ҳал этиш учун етарли бўлмаган ёки ортиқча маълумотлар бўлган, саволнинг кўйилishi нотўғри бўлган масалаларни ечишини таклиф этади.

Муаммоли ўқитиша анъанавий ўқитиши усулидан фарқли ўларок, ўқувчи нима учун ўтилаётган мавзуни ўрганиши кераклигини тушунади, мазмунини англашга харакат қилади, билим олишга рағбатлантирилади. бу эса таълимнинг юкори натижаларига олиб келади.



*3-расм. Ўқувчиларда функционал сабодхонлигини шакллантириши жараёнида муаммоли таълим босқичлари.*

Муаммоли таълимнинг муваффакияти күйидаги омилларга бөглиқ:

1. Ўкув материалыни муаммолаштириш;
2. Ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;
3. Таълим жараёнини ўйин, меҳнат фаолияти билан уйғуллаштириш;
4. Ўқитувчи (педагог) томонидан муаммоли методлардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;
5. Муаммоли вазиятни ҳал этиши юзасидан муаммоли саволлар занжирини тузиш ва мантиқий кетма-кетликда ўқувчиларга баён этиши.

Муаммоли ўқитишининг афзаллilikлари:

хаёт давомида ўкишни қўллаб-куватлади ҳамда шахсга йўналтирилган таълимни кўчайтиради;

тасаввур, диккат, тафаккур, хотира, идрок, нуткни ифодаловчи билиш жараёнларини фаоллаштиради;

ахборотларни қабул килиш, Тушуниш, хотарада сақлаш, билимларга айлантириши, кайта ишлаш, узатиш каби когнитив имкониятларни кенгайтиради;

мустақиллик, масъулият, жавобгарликни хис килиш, вазиятни адекват баҳолаш, далиллар эмас, тушунишнинг мухимлиги, режалаштириш, амалга ошира олиш, тиришкоқлик, мантикий, ижодий, танқидий, касбий, продуктив, ностандарт тафаккур, мослашувчанлик ва мобилликни ривожлантиради;

тадқиқотчилик ва давомли муддат зарурияти "тугалламаган харакатлар самараси" ни беради ҳамда билимларни чукур ўрганишига сабаб бўлади;

жамоада ишлаш, унинг ажралмас қисми эканлигини хис қилиш, коммуникатив кўнкималар, кадриятли муносабат, самарали ўзаро таъсирга киришишини раббатлантиради;

ўкув материалини (билимларни) пассив эмас, балки фаол ўзлаштирилиши натижасида таълимнинг юкори сифатига эришилади;

ўқитиши мақсадларига эришиш ва келажакдаги қасбий фаолияти моҳиятини чукур англаш кафолатини оширади.

Ўкувчиларда функционал саводхонликни шакллантиришнинг самарали усули бу, топширикларни учинчи шахсга эмас иккинчи шахсга нисбатан тузиш кераклиги ҳамда бевосита ўкувчини ўша вазиятда қандай йўл тутишини сўраш максадга мувофиқ. “Сиз тадбиркорсиз...”, “Сизга таклиф қилишди...”, “Сиз бажаринингиз керак бўлган иш...”, “Сизнинг фикрингизча...”, “Сиз қандай йўл тутасиз...”, “Асослаб беринг...” каби топшириклар ўкувчида топширикка нисбатан даҳлорлик хисини шакллантиради. бу эса ўз навбатида топширикни катта эҳтимоллик билан муваффакиятли бажарилишини таъминлайди. Келажакда муаммоли вазиятга дуч келганда “Мен нима килган бўлардим?” саволга жавоб топиш асосида креатив ечим топишига пойдевор яратилади.

PISA ҳалкаро баҳолаш дастуринда математик саводхонлик тест топшириклари шахсий, қасбий, ижтимоий ва илмий мазмун ёки контекстга тегишли бўлади. Ҳалкаро талабларга мувофиқ шу контекстларга мос топшириқ тузиш мақсадли деб хисоблаймиз.

### 3. Ўқиши саводхонлигига эътибор қаратиш. Матн, график, жадвал, диаграмма, расм, иловаларни ишлатиш.

Бир неча йил олдин ўкувчининг ўқиши саводхонлигини баҳолашнинг асосий усули содда матнларни ўқиб, тушуниш, талқин қилиш ва улар устида мuloхaza юритищдан иборат эди. Бугунги кунда саводхонлик тушунчасига берилган таъриф орқали тобора ўзгариб бораётган вазиятлар ва янги технологияларнинг таъсири туфайли саводхонлик моҳияти мудом ўзгаришларга юз тутишини англаб этиш билан юкори савиядаги ракамли ўқиши кўнкималари ва асосий ўқиши жараёнларини қамраб олиниши талаб этилади. Матн кўрининшидаги маълумотлар билан ишлаш оддий ёзув усулидан компьютер эрканларидан тортиб смартфонларгача бўлган замонавий курилмалар билан амалга оширилаётган экан, матнларнинг тузилиши ва форматларида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Бу, ўз навбатида, ўкувчидан янгидан-янги ақлий стратегияларини ривожлантиришни ва максадни ўқиши жараённида аниқ мақсадларни кўйишини такозо этмоқда.

Катта ҳажмли, жумладан, бадиий матнларни ўқиб, талқин кила олиш қобилияти ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда, ўқиши саводхонлигини ўзлаштирилиши маълумотларни кайта ишлашнинг мураккаб стратегиялари, жумладан, кўп матнли (ёки маълумот) маибааларидан тегишли маълумотларни олиб, тахлил қилиш, синтезлаш, умумлаштириш ва талқин қилишини ҳам талаб этади. Илм-фан ва математика каби

барча соҳаларда маълумотлардан фойдаланиш ва қатор маълумотларни самарали кидириб топиш, тизимлаштириш ва филтрлаш учун технологиялардан фойдаланиш кўнікмалари таҳсилнинг кейинги босқичларида хамда XXI асрнинг ижтимоий ва фуқоролик ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун керак бўлади.

PISA 2018, ўқиши саводхонлиги камров доирасида ўқиши саводхонлигига кўйидагича таъриф берилган “Ўқиши саводхонлиги инсоннинг ўз олдига кўйган максадларига эришиши жамиятда иштирок этишлари ва ўз билим ва имкониятларини ривожлантиришлари учун матн кўринишидаги маълумотлардан фойдаланиш, улар устида мулоҳаза юритиш, улар билан ишлаш ва тушуниш демакдир”.

Бугунги жамиятда ахборотлар оқими тезлиги ва узгарувчалигини инобатга олиб, маълумотлар асосан график, жадвал, диаграммалар шаклида тақдим этилади.

Замонавий таълимнинг хозирги тенденцияларидан бири ахборот саводхонлигини шакллантиришдир.

“Ахборот саводхонлиги” атамаси ахборотни топиш, уни танқидий баҳолаш, тўғри маълумотни танлаш, ундан фойдаланиш, янги ахборот яратиш ва ахборот алмашин имконини берадиган мадакалар мажмуасини билдиради.

Ушбу концепциянинг кисқача тавсифи кўйидагича кўриниши мумкин: инсоннинг ахборот саводхонлиги – бу инсоннинг ахборот оламида харакат қилиш, керакли маълумотларни топиш ва уни ижодий қайта ишлаш қобилияти. Анъанага кўра, ахборот саводхонлиги ёки информатика фанини ўқитиш ва компютер кўнікмаларини эгаллаш билан ёки кутубхона-библиографик саводхонлик ва китобхонлик маданияти билан боғлик. Бу тушунчалар (кутубхона-библиографик саводхонлик, китобхонлик маданияти, компютер саводхонлиги) шахснинг ахборот саводхонлигининг асосий таркибий қисмлари хисобланади.

Ахборот саводхонлиги кўйидагиларни англатади:

- ахборотнинг мумкин бўлган манбаларини ва уни излаш стратегиясини аниқлаш қобилияти;
- турли хил схемалар, жадваллар, диаграммалар ва бошқалардан фойдаланган холда олинган маълумотларни таҳлил қилиш қобилияти. натижаларни тузатиш;
- ахборотни ишончлилиги, аниқлиги, муаммони (топширикни) ҳал қилиш учун етарлилиги нуктаи назаридан баҳолаш қобилияти;
- кўшимча маълумотларга бўлган эҳтиёжни хис қилиш, иложи бўлса, уни кабул қилиш қобилияти;
- карор кабул қилиш учун ахборотни кидириш, олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнлари натижаларидан фойдаланиш қобилияти;
- обьектлар ва жараёнларнинг янги (бу холда) ахборот моделларини яратиш қобилияти, шу жумладан диаграммалар, жадваллар ва бошқалардан фойдаланган холда;

- турли соҳалардаги фаолияти учун зарур бўлган шахсий мухим маълумотлар хисобига ўз билимлар банкини яратиш қобилияти;
- ўз ахборот манбаларини яратиш қобилияти;
- ахборот билан ишлашда замонавий технологиялардан фойдалана олиши;
- ахборот билан индивидуал ва гурухда ишлаш қобилияти.

Ахборот саводхонлиги даражасини ва шу билан бирга ўкувчиларнинг когнитив таълим фаолиятини шакллантиришини тавсифловчи энг мухим ўкув натижаларини ажратиб кўрсатамиз:

- матни маълумотлар билан ишлаш;
- жадвал кўринишида берилган маълумотлар билан ишлаш
- диаграммалар билан ишлаш;
- моделлар билан ишлаш.

Яхши мутахассис бўлиш, катта маълумотлар оқимини тушуна олиш учун уни янада ихчам ва аникроқ тақдим эта олиш керак кўникмасига эга бўлиш лозим.

Матн шаклида тақдим этилган бир хил турдаги катта ҳажмдаги маълумотларни тез ва самарали қайта ишлаш мумкин эмас. Бундай ахборотларни жадваллар ёрдамида қайта ишлаш анча кулай, лекин катта ҳажмли жадвалларни идрок этиши ҳам инсон учун кийинчилик туғдиради. Диаграмма ва графиклар маълумотларни янада аникроқ кўрсатиш, уларни идрок этишини осонлаштириши, таҳлил ва таққослашга ёрдам берини имконини беради.

Математик саводхонликни шакллантиришда "диаграммалар" мавзуси долзарб мавзулардан бирига айланди. Бу ерда диаграмма кўринишида тақдим этилган ахборот билан ишлаш кўникмасини шакллантириш бошланади ва у оммавий ахборот воситалари, Internet ресурслари ва бошқаларда кенг кўлланилади. Ўкувчиларда керакли маълумотларни тўплаш ва уларни кўргазмали тақдим этиши усуллари хакида кўникма (малака, компетенция) шаклланади, бу эса таҳлил килиши, таққослаш ва тегишли хуносалар чиқариш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Математика фанининг миллий ўкув дастури 5-синф учун математик саводхонлик компетенциясига "кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделлар кўринишидаги маълумотларни ўқииди", 6-синф учун математик саводхонлик компетенциясига "кундалик фаолиятига оид маълумотларни тўплайди, уларни устунли диаграммалар кўринишида ифодалайди", 10-синф учун математик саводхонлик компетенциясига "статистик маълумотларнинг кўринишларини бир турдан (устунли, чизикли ва доиравий диаграммалар, жадваллар, чизмалар) бошқасига ўтказади" талаблари киритилган.

Амалга оширилган таҳлилларга кўра, ўкувчилар баъзан катталарда ҳам диаграммалар билан ишлаш кўникмалари етарли шаклланмаган. Яъни диаграммаларни ўкиш, уларга муносабат билдириш, маълумотлар асосида кейинги фаолиятни таҳмин килишда муаммоларга дуч келмоқдалар.

Күйінде диаграммалар билан ишлеш күникмаларни шакллантиришда үкитувчи ва үкувчи томонидан амалга ошириладын ишлар кетма-кеттеги көлтирилген.

**I-жадвал.**

**Диаграммалар билан ишлеш күникмаларни шакллантириши**

Диаграммалар билан ишлеш күникмаларни шакллантириш учун амалга ошириладын ишлар		Ким томонидан амалга оширилады	
		1 босқич	2 босқич
1.	Муаммо мазмұнны ёки контекст ассоцида тақдым этилған диаграммаларни таҳдил этиш	Үкитувчи	Үкувчи
2.	Маълумоттар ассоцида диаграммалар ишлаб чыкып	Үкитувчи	Үкувчи
3.	Диаграммалар билан ишлешта донир лойиха ишларини тақдимотини қилиш	Үкувчи	Үкувчи

Математика дарсларини ташкил этишида назариядан күра күпроқ амалиётта эзбір бериш хамда үкувчиларга тайёр үкув материалдарини беришга ассоциланган ёндашувдан маълум даражада воз кечиш талаф килинади. Үкувчиларда кичик тадқытчилик күникмаларни шакллантиришда кузатыш, тажриба, ўлчашлар, анализ (тахлил) ва синтез, индукция ва дедукция, таккослаш ва аналогия каби илмий изланиш методларидан ўринида фойдаланиш лозим. Үкувчиларда билім ва күникмаларни шунчаки шакллантириб қолмасдан, уларни хаёттій вазиятларда құллай олиш компетенцияларини хам таркиб топтириш мухим ахамияттада.

**ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Алексашина И.Ю., Абдуллаева О.А., Киселёв Ю.П. Формирование и оценка функциональной грамотности учащихся. Учебно-методическое пособие. – Сант Петербург. 2019. – 160 с
2. Вершловский С.Г., Матюшкина М.Д. Функциональная грамотность выпускников школ // ж. Социологические исследования. – 2007. – № 5. – с. 140–144.
3. Жалилов К. / Баҳолаш назариясы ассоцилари. – Т.Академнашр, 2020. – 256 б.
4. Ибрагимов А.А. Халқ таълими ходимлары малакасини ошириши тизимини күп векторлы ёндашув ассоцида тақомиллаштырыш. Пед. фан. бўйича фал. док. (PhD) диссертацияси. – Самарқанд, 2018. - 215 б.
5. Маслова Ю.А. // От качества образования к качеству жизни // ж. Высшее образование в России. 2006. – № 10. – С. 66–69.
6. Маткаримов А.М. PISA халқаро баҳолаш дастури ассоцида үкувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантириш. – педагогика фанлари бўйича фал. док. (PhD) дис. автореф. – Чирчик, 2022. 55 б.
7. Махмудов А.Х. Узлуксиз таълим жараёнига компетентлilik ёндашувини жорий килишининг дидактик ассоцилари // Узлуксиз таълим. – 2012. – № 4. – Б. 8–12.
8. Мацкевич В., Крупник С. Функциональная грамотность // Всемирная энциклопедия: Философия. – Минск, Харвест, 2001. – 312 с.